

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида
ШАРТНОМА №27747

Тошкент ш.

2022 йил “20” о6

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHİ XİZMATİ İNİNİRİNG KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “YANGI-HAYOT PROJEKT” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-001759-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Раимбердиев А.Н. иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 16-июндаги 100110-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, куйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 235-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун (АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОС ни ҳисобга олган ҳолда) объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-илоvasида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-илоvasида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 70 000 000 (Етмиш миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси

ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-илоvasида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларикамчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатларива бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиха-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиха-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва кўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бор иши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдириш нома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф

равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини қафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг кўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти "YAGONA
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING

КОМПАНИYA" ДУК

Юридик манзили: 14-йилнинг 204 775 594
100027, Тошкент ш. И.Каримов кўчаси,
16а-уй. 100021860262 777098805251009



Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

БАЖАРУВЧИ

"YANGI-HAYOT PROJEKT" МЧЖ

Адрес: г. Ташкент, ул. Ахангаранский
шоссе. Д-6, кв-2.

Тел: +99897 410 02 13

Р/с: 20-208 000 9053 7281 4001

ШБ Эрон "Содерот" Банки Тошкент ш.

МФО 00950

ИНН 308372631 ОКЭД - 41100

Директор

Раимбердиев А.Н.





Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 235-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун(АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сағдиев	-Бош муҳандис в.б.
Ш. Қодиров.	-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи
Хамидов О.	-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи
Турсунов З.	-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (<i>Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади</i>)
Абдусатторов П.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси
Холмаматова М.	-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 235-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун(АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сағдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 06 июн куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 00110 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “YANGI-HAYOT PROEKT” МСНҲ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш кунидан давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 16 июндаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 235-сонли мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун(АРТ 1-2, геология, топохарита ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)” объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “YANGI-HAYOT PROEKT” МСНЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари.



С. Сағдиев


Ш. Қодиров


О. Хамидов


П. Абдусатторов


М. Холмаматова



Тошкент шаҳар хокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИКнинг
 Тошкент шаҳар хокимининг 2022 йил 30 майдаги СБ1-14-0-22-сонли қарори
 Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1 январь ҳолатига шайланган эркин қолдиқ маълумотлари ҳисобидан
 2022 йилга МАНЗИЛЛИ РУЙХАТИ

Келишилди"
 Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт ва камбўғалликни
 қисқартуриш бош бошқармаси

 Ш. Шўқуров
 2022 й.

№	Давлат қўрилмага бўйлаб, жўрадан	3	4	5	6	7	8	2022 йил учун шартли кўрсаткичлар даражаси				2022 йилда фойдаланишга топширилган		16	17	18	19	20	
								шў жўрадан		Буюртмачи бошда ҳаракатлари		Қурашлу длар	Асосий фонд суммаси						01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (айта хисоблаш бўлими) қолдиқ кўрсаткичи бўлими, ҳўрадан, ҳўрадан
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
36	Давлат қўрилмага бўйлаб, жўрадан							5 000,000			5 000,000								
1	Сарғам тўқилмадан 12-сон оқиланй поллигайиниқисмини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500	✓	Объект						Ташвир
2	Юрғубод тўқилма 4-сонли фўнастрия дасмасерини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500	✓	Объект						Ташвир
3	Юрғубод тўқилма 53-сон оқиланй поллигайиниқисмини муражада таъмирлаш	2022й	Объект					97,500			97,500	✓	Объект						Ташвир
4	Мирзо Улғабас тўқилма 8-сон оқиланй поллигайиниқисмини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500	✓	Объект						Ташвир
5	Мирзо Улғабас тўқилма 70-сон оқиланй поллигайиниқисмини муражада таъмирлаш	2022й	Объект					97,500			97,500	✓	Объект						Ташвир
6	Мирзо Улғабас тўқилма 26-сон оқиланй поллигайиниқисмини муражада таъмирлаш	2022й	Объект					97,500			97,500	✓	Объект						Ташвир

№	Объектлар номи ва манзили	Куршиш бошлангич ва ташкил этиш йили	Лоқоба кўрали	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосид) жумладан бюджетдан бешка ҳисобга киритилган қиймати	01.01.22 й. ҳолатда объект қолдиқ қиймати жумладан бюджетдан бешка ҳисобга киритилган қиймати	01.01.22 й. ҳолатда йилдан йилга ўтувчи объектнинг умумий қиймати (қайта ҳисоблаш бешка) қолдиқ қиймати жумладан бюджетдан бешка ҳисобга киритилган қиймати	01.01.22 й. ҳолатда йилдан йилга ўтувчи объектнинг умумий қиймати (қайта ҳисоблаш бешка) қолдиқ қиймати жумладан бюджетдан бешка ҳисобга киритилган қиймати	2022 йил учун капитал қўйималар дингизи						2022 йилда фойдаланишга топширилганлиги		01.01.23 й. ҳолатда йилдан йилга ўтувчи объектнинг умумий қиймати (қайта ҳисоблаш бешка) қолдиқ қиймати жумладан бюджетдан бешка ҳисобга киритилган қиймати	01.01.23 й. ҳолатда йилдан йилга ўтувчи объектнинг умумий қиймати (қайта ҳисоблаш бешка) қолдиқ қиймати жумладан бюджетдан бешка ҳисобга киритилган қиймати	Экспортга қўйсиз равишда на савис	Тешир (таъво)лар нагвоисига бўйича байнона раванг на савис	20
								9	10	11	12	13	14	15	16					
1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
7	Олаксор тўқани 20-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект						201,500			201,500		Объект						Тешир
8	Учтага тўқани Тўқани кўли тармоқини марказий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					200,100			200,100			Объект						Тешир
9	Учтага тўқани 23-сон оилавий поликлиникасини қўйималар ташкирлаш	2022й	Объект					92,500			92,500			Объект						Тешир
10	Бекташ тўқани Тўқани кўли тармоқини марказий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500			Объект						Тешир
11	Чанаксор тўқани 36-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500			Объект						Тешир
12	Миробод тўқани 1-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500			Объект						Тешир
13	Янгиқаш тўқани Тўқани кўли тармоқини марказий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500			Объект						Тешир
14	Янгиқаш тўқани Тўқани кўли тармоқини марказий поликлиникасини асосий биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					201,500			201,500			Объект						Тешир
15	Янгиқаш тўқани 38-сон оилавий поликлиникасини қўйималар ташкирлаш	2022й	Объект					92,500			92,500			Объект						Тешир

№	Объектлар номи ва мақсади	Қурилиш божамаси ва фондларни шара тошириши йили	Лойiha қуввати	Объектнинг (ушбу қирати) асосий қуввати, Бюджетли Бюджетли қирати	01.01.22 й. қирати қилгани	01.01.22 й. қирати қилгани	01.01.22 й. қирати қилгани	2022 йил учун қирати қилганлар асосида					2022 йилда қирати қилганлар		01.01.23 й. қирати қилгани	01.01.23 й. қирати қилгани	Энгилган қирати қилгани	Ташқир (ташқир) қирати қилгани	Ташқир номи	
								Жами қирати қилганлар	Қурилиш - қирати қилгани	Жами	Жами	қирати қилгани	қирати қилгани	қирати қилгани						қирати қилгани
1		2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
25	Юрғубой тумани 221-сонли мактабга таълим таъминоти реконструкция қилиш	2022й	Объект						113,500			113,500		Объект						Ташқир
26	Юрғубой тумани 288-сонли мактабга таълим таъминоти реконструкция қилиш	2022й	Объект						113,500			113,500		Объект						Ташқир
27	Юрғубой тумани 239-сонли ўқувхона мактабни реконструкция қилиш	2022й	Объект						134,000			134,000		Объект						Ташқир
28	Юрғубой тумани 265-сонли ўқувхона мактабни реконструкция қилиш	2022й	Объект						134,000			134,000		Объект						Ташқир
29	Юрғубой тумани 96-сонли ўқувхона мактабни реконструкция қилиш	2022й	Объект						134,000			134,000		Объект						Ташқир
30	Ташқир шаҳри санитариya эпидемиология соғайтиш ва жамият саломатлиги қирати қилгани реконструкция қилиш	2022й	Объект						92,500			92,500		Объект						Ташқир
31	Миробой тумани 7-уми санитариya эпидемиология соғайтиш ва жамият саломатлиги қирати қилгани реконструкция қилиш	2022й	Объект						91,000			91,000		Объект						Ташқир
32	Миробой тумани 7-уми санитариya эпидемиология соғайтиш ва жамият саломатлиги қирати қилгани реконструкция қилиш	2022й	Объект						91,000			91,000		Объект						Ташқир
33	Сурғай тумани 7-уми санитариya эпидемиология соғайтиш ва жамият саломатлиги қирати қилгани реконструкция қилиш	2022й	Объект						91,000			91,000		Объект						Ташқир

